

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

РЕМОВ

Препаратнинг савдо номи: Ремов

Таъсир этувчи модда (ХПН): диметикон

Дори шакли: лосьон 4%

Таркиби:

Ҳар бир мл лосьон куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: диметикон 40 мг;

ёрдамчи модда: циклометикон 5.

Таърифи: тоза, тиник, бир хил турдагим ҳидсиз лосьон.

Фармакотерапевтик гурухи: эктопаразитицид, шу жумладан қичимага қарши восита.

АТХ коди: P03AX05.

Фармакологик хулари

Фармакодинамикаси

Диметикон кўплаб фармацевтик ва косметик дори воситаларида ишлатилади. 4% концентрацияси битларнинг физик-физиологик фаоллигига таъсир кўрсатиши тасдиқланган. Битларнинг овицид фаоллигига таъсир камрок фаол ҳисобланади, икки марта кўлланиш ўртасида 7 кунлик оралиқ вақт сақланиши керак.

Ремов лосьони таркибida нейротоксик фосфорорганик инсектицидлар мавжуд эмас, шу туфайли сиркаларнинг специфик ферментларига таъсир кўрсатмайди. Ремов лосьони битларга ўз сув мувозанатини эплаш қобилиятини бартараф этган ва бузган ҳолда жисмоний жараён орқали таъсир кўрсатади, шу туфайли ҳашарот ортиқча сувни чиқариб ташлаш қобилиятини йўқотади. Диметиконнинг фаоллиги инсектицидларга чидамли бош битларига нисбатан таъсири камаймайди.

Фармакокинетикаси

Ремов лосьони шикастланган жойга махаллий суртилади, бироқ диметикон терига кам сингиб кетади ёки умуман сингимайди.

Қўлланилиши

Ремов лосьони битларни бартараф қилиш учун қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Фақат махаллий ташки қўлланиш учун мўлжалланган.

Катталар ва болалар (олти ойлик ва ундан катта ёшдагилар).

Қуруқ соchlарга восита бошнинг бутун тукли қисми майдонини қоплаб оладиган тарзда соч илдизидан учигача етарли миқдорда лосьон суртилади. Эритма соч илдизидан учигача бир хилда тақсимлаб чиқилади. Сочлар табиий равишда қуритилади. Ремов лосьони соchlarda энг камида 8 соат ёки бутун тун бўйи қолдирилади. Сочлар оддий шампунь билан ювиб ташланади ва сув билан яхшилаб чайиб олинади. Ушбу муолажа етти кундан кейин такрорланади.

Олти ойлик ёшгacha бўлган болаларда лосьон факт шифокор кузатуви остида қўлланиши керак.

Ножўя таъсирлари

Диметикон, одатда, bemorlar томонидан яхши чидамлиликка эгадир. Тери қизариши, қичишиши ёки бош териси шўралashi ва кўз атрофи яллиғланиши каби бироз ножўя таъсирлар пайдо бўлиши мумкин.

Соч тўкилиши айрим ҳолатлари тўғрисида маълум қилинган.

Ўта сезувчанлик реакциялари аломатлари тошмани, эшак еми касаллигини, генерализацияланган қичимани ва нафас олиш қийинлашишини ўз ичига олади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Дори воситаси таркибий моддаларидан бирига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Диметиконнинг бошқа тиббий дори воситалари билан ўзаро таъсири маълум эмас.

Махсус кўрсатмалар

Тери тошмаси ёки маҳаллий ёки умумий юқори сезувчанликнинг бошқа белгилари пайдо бўлганда дарҳол препаратни қўллаш тўхтатилиши керак.

Юқори сезувчанликнинг бирон-бир симптомлари (масалан, тошма, эшак еми касаллиги, генерализацияланган қичима, нафас олиш қийинлашиши) пайдо бўлганда, дори воситасини шампунъ ёрдамида дарҳол юваб ташлаш керак, агар симптомлар бартараф бўлмаса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Фақат ташқи қўлланиш учун мўлжалланган.

Кўзга тушишига йўл қўйманг, тасодифан кўз тушиган ҳолатда, сув билан ювиб ташланг.

Сочга суртилган Ремов лосьони очиқ олов ёки бошқа олов манбаи билан бевосита алоқада ёнади, шунинг учун қўллаш пайтида сочни очиқ олов манбасидан ёки бошқа олов манбаларидан узокроқ тутиш керак.

Ўрамда ва тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома кўрсатмаларда қўйидагилар кўрсатилган:

"Огоҳлантириш: Ремов лосьони билан даволанишда сочингизни алангаланиш манбаларидан, айниқса, очиқ оловдан ва тутатилган сигареталардан узокроқ тутинг. Ишлов берилган соchlар аланга олдида осон ёниб кетиши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши:

Ремов лосьони ҳомиладорлик вақтида қўлланиши мумкин эмаслиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

Транспорт воситалари ва бошқа хавфли механизmlарни бошқарии қобилиятига таъсири

Маълум эмас.

Дозани ошириб юборилиши

Ортиқча дозаланишнинг ифодаланган симптомлари аниқланмаган.

Ремов лосьоннинг тери қопламалари кесилиши орқали қон оқимига тушиши эҳтимоли кам, бироқ агар бундай ҳолатлар юз берса, мавжуд маълумотларга кўра, дори воситаси тезда организмдан ўзгармаган шаклда ажралиб чиқади. Агар лосьон тасодифан ютиб юборилган бўлса, алоҳида хавфсизлик масалаларига дахл қилмаслиги тўғрисида ҳам маълумотлар келган.

Махсус чоралар талаб қилинмайди.

Чиқарилиш шакли

50 мл лосьон ПЭТ флаконда, пуркагич ва тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихонадан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Манзили

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича
эътиrozларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халка Йули кўчаси, 91-үй.

Тел.: +998 (78) 150 97 97; +998 (93) 388 87 82;

Факс: +998 (78) 1509787

E-mail: py@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz